



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI
BOSHQARISH AGENTLIGI
BUYRUQ**

20 22 yil "19" январь

№ 10

Toshkent sh.

**Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппаратида
харид комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори ҳамда Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга (Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 май 3016-сон билан рўйхатга олинган) мувофиқ,

БУЮРАМАН:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппарати (кейинги ўринларда – Агентлик) фаолияти учун зарур бўлган хўжалик товарлари (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларини ўтказиш бўйича харид комиссияси (кейинги ўринларда - харид комиссияси) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид комиссияси ўз фаолиятини Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ амалга оширсин ҳамда унинг зиммасига харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолаш ва тартибга солиш, шунингдек давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлаш вазифалари юклатилсин.


3. Агентликда давлат харидлари жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ишлар бошқармаси бошлиғи Д. Исроилов масъул этиб белгилансин.

4. Агентликнинг 2019 йил 25 февралдаги 50-П-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ташкилий ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ражабов) ушбу буйруқ нусхаларини Агентликнинг тегишли таркибий бўлинмаларига етказилишини таъминласин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Агентлик директорининг ўринбосари А. Миралиев зиммасига юклансин.

Директор


А. Ортиков

Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2022 йил 19 январдаги
10 - сонли буйруғига
Илова

**Давлат активларини бошқариш агентлиги марказий аппарати фаолияти
учун зарур бўлган хўжалик товарлари (ишлар, хизматлар)нинг давлат
харидларини ўтказиш бўйича харид комиссияси
ТАРКИБИ**

1. А. Миралиев - Директор ўринбосари, комиссия раиси;
2. Д. Исроилов - Ишлар бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси ўринбосари;
3. М. Ғафуров - Давлат активларини бошқариш, трансформация ва усусийлаштириш жамғармасини юритиш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси;
4. Ф. Сулайманов - Замонавий ИТ технологияларини жорий этиш департаменти бошлиғи ўринбосари - ИТ технологиялар ва ахборот тизимларини жорий этиш бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси;
5. С. Ганиев - Юридик бошқарма бошлиғи ўринбосари, комиссия аъзоси;
6. *Лавозимига кўра* - Ички аудит хизмати бўлими бошлиғи, комиссия аъзоси;
7. М. Ирисов - Комплаенс хизмати бош мутахассиси, комиссия аъзоси;
8. О. Абдуллаев - Ишлар бошқармаси бош мутахассиси, комиссия масъул котиби.

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки ушбу вазифани бажариши зиммасига юклатилган шахслар киритилади.